



## ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ III РЕНЕССАНС АСОСИ СИФАТИДА

Турдиева Н.С

*Бухоро давлат педагогика институти доценти*

**Аннотация:** Мақолада мустақил Ўзбекистон шароитида Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни таъминлашдаги муҳим вазифалардан бири бўлмиш – замонавий таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришни амалга оширишда нафақат буюк бобокалонларимиз, балки халқ педагогикасининг ўлмас меросидан фойдаланиш масалалари ёритилган.

**Таянч сўз ва тушунчалар:** Ренессанс, Учинчи Ренессанс, ислохот, пойдевор, таълим-тарбия тизими, халқ педагогикаси, маданий мерос, миллий мерос.

**Аннотация:** В статье освещаются вопросы использования не только великих наших предков, но и бессмертного наследия народной педагогики в осуществлении совершенствования современной системы образования, что является одной из важных задач в организации основания Третьего Возрождения в условиях независимого Узбекистана.

**Ключевые слова и понятия:** Возрождение, Третье Возрождение, реформа, фундамент, система образования, народная педагогика, культурное наследие, национальное наследие.

**Abstract:** The article highlights the use of not only our great ancestors, but also the immortal heritage of folk pedagogy in improving the modern education system, which is one of the important tasks in organizing the foundation of the Third Renaissance in the conditions of independent Uzbekistan.

**Key words and concepts:** Renaissance, Third Renaissance, reform, foundation, education system, folk pedagogy, cultural heritage, national heritage.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ўқитувчи ва мураббийлар куни”га бағишланган тантанали маросимдаги нутқларида қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эдилар: “Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик ... Ҳаммангизга яхши маълум, антик даврда Юнонистонда ёнган илм машъаласи тўққизинчи – ўн иккинчи асрларда Марказий Осиё ҳудудида қайта порлади. Бу даврда юртимиз ҳудудида биринчи Ренессанс юзага келди ва у бутун дунё тан оладиган машҳур даҳоларни етиштириб берди. Хусусан, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2024"

Беруний, Абу Али ибн Сино, Махмуд Замахшарий сингари ўнлаб буюк алломаларимизнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига бекиёс таъсир кўрсатди", - деган сўзлари мамлакатимизда жиддий ислохотлар киритишни тақозо этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар таълим - тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқ. Ана шундай ислохотлар орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш бош мақсад этиб белгиланди.

Жамият ҳаётини, қолаверса, энди ривожланиб келаётган мурғак қалблар ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислохотларни амалга оширишда IX–XII асрлар Биринчи Ренессанс алломалари: Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Махмуд Замахшарийларнинг; Иккинчи Ренессанс алломалари: Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Жалолиддин Давоний, Ҳусайн Воиз Кошифий каби алломаларнинг таълим-тарбия борасидаги буюк хизматлари, теран тарбиявий қарашларидан фойдаланиш бошланғич таълим ўқитувчиларининг зиммасига асосий вазифани юклайди. Чунки мактабни, таълим-тарбияни тартибга солмай туриб шахсни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди, илмсиз ҳеч бир соҳада самарали натижага эришиб бўлмайди.

Ҳақиқатдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маърузасида қуйидаги фикрлар келтирилган: "Ислом маданиятининг олтин асри" деб эътироф этиладиган бу даврда она заминимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улуғ уламолар бутун мусулмон оламининг фахру ифтихори ва чексиз ғурури ҳисобланади... Донишманд халқимиз ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган халқлари қаторида бўлгани барчамизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди ... Мен бугун билдирадиган фикрларни, аввало, ҳурматли муаллим ва ўқитувчиларга, кадрли тарбиячиларга, барча жонкуяр зиёлиларимизга йўлланган мурожаат сифатида қабул қилишингизни истардим".

Демократик янгиланиш, Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш даврида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан энг муҳим фаолият даражасига кўтарилган таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга ҳисса қўшиш, ёшларни замон талаблари даражасида тарбиялашни мукаммаллаштиришда ўзбек халқининг миллий урф-одатлари,



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2024"

кадриятларига, буюк аждодлар меросига, халқ педагогикасининг ўлмас саҳифаларига таяниш, порахўрлик, таъмагирлик каби иллатларни бартараф этиш долзарб масалага айланди.

Бунга муносабат билдириб, энг аввало мактабда юзага келадиган педагогик конфликтларни бартараф этиш жоиз деб ўйлайман. Хўш, конфликтларнинг қандай турлари мавжуд, педагогик конфликтли вазиятларда ҳаракат усуллари мавжуд?

“Конфликт” сўзи - “зиддият”, “ихтилоф”, “тўқнашиш”, “келишмаслик”, “ўзаро тушунмаслик” каби маъноларга эга. Лекин, улар орасида педагогик нуқтаи назардан зиддият маъноси мақбул ҳисобланади. Чунки, зиддият тушунчасини мазкур ҳодисанинг нисбий ва ўткинчи хусусиятга эгаллиги намоён бўлади. Шу жиҳатдан конфликтлар муаммосини тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Педагогик конфликтлар таълим ва тарбия жараёнида юзага келадиган зиддиятлар, низолар ҳамда келишмовчиликлар мажмуасидир. Педагог олимларнинг фикрича, педагогик конфликтлар масаласида уч омил муҳим ўрин тутди:

1. Вазият. Унга кўра, педагогик конфликтлар томонлар ёндашувининг тўқнашуви, муайян мақсад ва манфаатларнинг мос тушмаслиги вазиятларида келиб чиқади. Шу сабабли педагогик конфликтларнинг кўламини аниқлашда уларни келтириб чиқарган вазиятга эътибор бериш керак.

2. Ҳаракат. Педагогик конфликтлар бирор томоннинг амалий ҳаракати натижасида ривожланади. Агар бунга иккинчи томон ҳам салбий жавоб қайтарса, педагогик конфликтлар жиддий тус олади.

3. Субъект. Педагогик конфликтларда алоҳида шахс ёки гуруҳлар субъектга айланади. Таълим ва тарбия жараёнида кўп ҳолларда ўқитувчи ёки ўқувчи (шахс) ва ўқувчилараро ёки ўқитувчилараро (гуруҳ) педагогик конфликтлар субъектлари кузатилади.

Педагогик конфликтларни бартараф этишда вазиятга қараб мақсадли ҳаракатқилиш муҳим ўрин тутди. Бу масала бўйича ўзбек педагогик илмийтадқиқотчилигида ишланмалар энди бошланди. Айни пайтда, хорижлик педагог-психолог олимлар томонидан педагогик конфликтли вазиятларда ҳаракат қилишнинг бир неча усуллари ишлаб чиқилган. Мисол учун, инглиз олимлари К.Томас ва Р. Килменн бундай вазиятлар – қуйидаги 5 ҳаракат усулига асосланишни тавсия этишади:

1) ҳамкорлик – конфликтга киришган томонлар билан биргаликда манфаатларини тенг рўёбга чиқариш учун ҳаракат қилиш;



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2024"

2) келишув – томонларнинг ўзаро тийилиши билан англашилмовчиликни тартибга солиш ҳаракати;

3) ўзни тортиш – конфликтли муаммони ҳал этмасдан вазиятдан ўзини тортиш;

4) мослашиш – бирор томоннинг ўз манфаатини чеклаб иккинчи томон позициясига ён босиш ҳаракати;

5) рақобат – томонларнинг ўз манфаати учун қатъий туриб курашиш ҳаракати.

Таълим ва тарбия жараёнида педагогик конфликтларни ҳал қилиш учун ўқитувчи ёки мактаб Психологи мазкур ҳаракат усулларида нисбатан вазиятга мосини танлаши мақсадга мувофиқ бўлади. Шу жиҳатдан бу ҳаракат усуллари куйидагича моделлаштириш мумкин.

Таълим ва тарбия жараёнида педагогик конфликтларни бартараф қилиш ҳаракатида турли тактикалар қўлланилади. Шу маънода конфликтли томонларга таъсир кўрсатишнинг куйидаги тактикалари мавжудлигини эслатиб ўтиш жоиз:

- конфликт объектини қўлга олиш; - жисмоний таъсир кўрсатиш (бунда конфликт сабабчиси қатъий огоҳлантиришлари);

- руҳий таъсир кўрсатиш;

- босим бериш;

- ошкора ҳаракат қилиш;

- дўстликни таклиф этиш;

- муносабатларни меъёрлаштириш.

Бу тактикаларни вазиятга қараб қўллаш кутилган самарани беради. Педагогик конфликтларни бартараф этишда ҳаракат қилувчи субъектларни англаб олиш лозим. Бундай субъектларнинг асосийларини куйидагилар ташкил қилади:

1) синф раҳбари (ўқитувчи);

2) мактаб психологи;

3) фаол ўқувчи;

4) конфликтга киришганлардан оқил ўқувчи.

Шундай қилиб педагогик конфликтли вазиятларда ҳаракат усуллари билиш уларни кутилган даражада бартараф этиш имконини беради. Бунинг учун илмий-педагогик асосларга таяниш мақсадга мувофиқ бўлади.

### ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2024"

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz).
2. Мирзиёев Ш.М. Учинчи Ренессанс нима дегани? («Янги Ўзбекистон» газетасига 2021 йил 17 августда берган интервьюси). // <https://www.gazeta.uz/uz/2021/08/17/renaissance/>
3. Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан 2021 йил 1 октябрь куни сўзланган нутқ. 01.10.2021 й. // <http://uchildiz.uz/>.
4. З. Умарова, Ахмедова М.Т. Низоли вазиятда шахс тоифаларининг хусусиятлари. Мактаб ва ҳаёт. Илмий-методик журнал. ISSN 2010-5460. №2 2020 й.12-14-бет.
5. Turdiyeva N. S., Ibragimova D. O. MA'NAVIY-AXLOQIY TARBIYA TO'G'RISIDA SHARQ ALLOMALARINING FIKRLARI.
6. Saidovna , T. N. (2024). The Structure and Content of a Teacher's Personal Competence. *Excellencia: International Multi-Disciplinary Journal of Education* (2994-9521), 2(4), 320-325.
7. Turdiyeva N. *Procedia of Theoretical and Applied Sciences: EDUCATIONAL AND MORAL VIEWS IN THE PEDAGOGICAL EDUCATION OF THE EAST* // *Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti jurnali*. – 2022. – T. 2. – №. 2.
8. Turdiyeva Nigora Saidovna. (2023). BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING TA'LIM JARAYONIGA ETNOPEdagogik TAYYORGARLIGI. Results of national scientific research international journal, 2(10), 267-274. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10074482>
9. Turdiyeva N.S., & Ibragimova D.O. (2024). ЎЗБЕКИСТОНДА УЗЛУКСИЗ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯСИ. *UNIVERSAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES, PHILOSOPHY AND CULTURE*, 1(8), 18-25. Retrieved from